

Завкий (тахаллуси; асл исм-шарифи Убайдулло Солих ўгли) (1853 — Кўкон — 1921) — ўзбек шоири. Кўкондаги «Мадрасаи олий» ва «Мадрасаи чалпак»да тахсил олган (1870—74). Махсидўзлик билан шугулланган. Маълум муддат мирзалик килган, Хўжанд, Самарканд, Бухоро, Тошкент, Ўш, Андижон, Маргилон шаҳарларида бўлган. Тоғаси Мухаммад Сиддик билан Мадинани зиёрат килган (1900). 1903 йил Кўконга кайтган. Завкий мумтоз ўзбек адабиёти анъаналарини давом эттирган, Кўкон адабий мухитининг Муқимий, Фуркат, Нодим, Рожий каби намояндалари билан ижодий ҳамкорлик килган.

Завкийнинг газал, мухаммас, мувашшахлари («Айлаб келинг», «Радифи Завкий» ва бошқа)да ўзи яшаган мухит ва тузум, меҳнат ахлининг ахлоли тасвирланган. У турмуш алам-изтироблари, хижрон азобига висол умиди, вафодорлик, садокат туйғуларини карама-карши кўяди («Юзингни кўрсатиб аввал», «Бодаи васлинг» ва бошқа), кишиларни турмуш гўзалликларидан завкланишга, уни севишга чорлайди. Завкийнинг бир канча шеърлари («Каждор замона», «Ажаб замона», «Абдурахмон шайтон» ва бошқа)да мустамлака тузумидаги ижтимоий тенгсизлик, адолатсизлик, чор маъмурияти химоясида бўлган айрим нопок амалдорларнинг кирдикорлари фош этилади.

Завкийнинг «Мунча кўп» радифли ҳамда «Ажаб замондур, ахбоб, бош котиб колди» мисраси билан бошланувчи мухаммаслари 19-аср бошлари шеърлятидаги энг ўткир ижтимоий асарлари жумласига киради. Завкий ижодий меросида ўзбек кишлокларининг ахлоли, дехконлар ҳаёти мавзуи ҳам катта ўрин тутди («Янги Кўргон кишлоги», «Сув жанжали», «Шохимардон саёхати» ва бошқа). Бу асарлар Муқимийнинг «Саёхатнома»си таъсирида ёзилган. Завкий Муқимийнинг хажвчилик йўлини давом эттириб, ўзбек адабиётида хажвий йўналиш тараккиётига катта хисса кўшди («Обид мингбоши хакида хажв» ва бошқа). Завкийнинг «Воқеаи кози сайлов» (1909—10), «Кахатчилик» (1916) каби асарларида ижтимоий адолатсизлик фош этилади, халкнинг зулмга қарши намойишлари акс эттирилади. «Ажаб эрмас» радифли мухаммаси 20-аср бошлари ўзбек шеърлятида муҳим ходиса бўлди. Бунда шоир мустамлака асоратида эзилаётган юртнинг бахтли келажаги хакида фикр юритди. Ижтимоий ҳаётдаги айрим носозликлар, кишилар фаолиятидаги салбий ҳоллар устидан бир қатор шеърлари («Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сигирим», «Пашшалар» ва бошқа)да захарханда билан кулади.

Шоирнинг ишкий газал ва мухаммаслари ўша даврларданок халк хофизлари томонидан куйга солиниб, ижро этилган («Ёр келур замона йўк, келмаса-келмасун нетай?!», «Кулбам аро, эй махлико, бир йўл хиром айлаб келинг» ва бошқа). Завкийнинг шеърлари турли баёз, мажмуа, вақтли матбуот ҳамда оғзаки манбалар орқали бизгача етиб келган. Кўкон шаҳридаги бир маҳалла, кишлок, мактаб ва кўчага Завкий номи берилган.

*Абдурашид Абдугафуров*

## **ШОХИМАРДОН ХОТИРАСИ**

Бу равзага кимки келиб,  
Бир кечаси меҳмон экан.

Умрида бир кўрган киши  
Ўлганда беармон экан.

Икки тарафдин сой денг,  
Кўм-кўк мусаффо чой денг,  
Хар дам ичиб хой-хой денг,  
Оби хаёти жон экан.

Осмонга кўйган нардбон,  
Чиксанг тамошо бир жахон.  
Нахри улуг, хар сўй равон,  
Кўрмакка кўз хайрон экан.

Келдик етиб мохи ражоб,  
Хар ким кўрар айлар ажаб,  
На порс кўрган, на араб,  
Бир жаннати ризвон экан.

Болода танг-танг кўчалар,  
Тургайки, шайху хўжалар,  
Келса товук хам жўжалар,  
Ўзмокда дастурхон экан.

Бад шаклу бал хў, бадиамо,  
Ботинда кийна, фиск риё,  
Ким учраса шилким гадо  
Суллох озори жон экан.

Сахни ажойиб хуш хаво,  
Хам рухпарвар, жон физо,  
Хушбў кўрингай хар гиёх,  
Жамбил билан райхон экан.

Кабиклари бўйнин чўзиб,  
Юз совт ила нагма тузиб,  
Булбул наволар кўргузиб,  
Тўтиси хуш илхон экан.

Бўлса керак бул тоғлар,  
Кам-кам чиройли боглар,  
Хеч кимса кўрмас доғлар,  
Кўнгли аро колган экан.

Завкий келиб кўп турмади,  
Турса рафиклар кўймади,  
Оё насиба бўлмади,

Эхроми учкүргон экан.